

Албатта, сизлар Роббингизни мана шу ойни кўргандек кўрасиз...

09:10 / 18.03.2018 3203

Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. У зот ойга қараб туриб: **«Албатта, сизлар Роббингизни мана шу ойни кўргандек кўрасиз. У Зотни кўришда бир-бирингизга қийинчилик туғдирмасиз. Агар қуёш чиқиши ва ботишидан олдин намозни бой бериб қўймасликка қодир бўлсангиз, шуни қилинг»**, дедилар.

Бошқа ривоятда: “Ўн тўрт кунлик кечада ойга қарадилар”, бўлиб келган.